

Муҳаммадамин қори Аҳмадхўжа ўғли Иорданиядаги Қуръон мусобақасида



16:22 / 25 март 758

Жорий йилнинг 20-26 март кунлари Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигида халқаро Қуръони Карим мусобақасининг 32-давраси бўлиб ўтмоқда. Мусобақада 51 мамлакатдан қорилар қатнашмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистондан «Имом Фахриддин ар-Розий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси талабаси Муҳаммадамин қори Аҳмадхўжа ўғли иштирок этмоқда.

Ўзбекистондан иштирок этаётган Муҳаммад Амин Аҳмадхўжа ўғли 25 март куни ҳанафий фикҳи факультети мудирини, профессор, доктор, устоз шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратларининг Рамазон ойида бўлиб ўтаётган фатво мажлисларида ҳам қатнашишга муяссар бўлди. Шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари талабанинг ўқишларида муваффақият тиладилар. Шу билан бирга унингдек ёшлар пухта таълим олиб, халқимиз ва мўмин-мусулмонлар учун хизмат қилиши кераклигини таъкидладилар.

Манба: @hanafiyfakulteti